

ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ҲАМДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

*З.Равшанов – Самарқанд иқтисодийёт ва сервис институти мустақил
тадқиқотчиси. ravshanov1969@inbox.ru*

Аннотация. Кейинги йилларда олиб борилаётган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишини таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўйишмоқда. Шундай экан овқатланиш хизматлари соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибини кескин ошишида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда ўзгача аҳамият касб этади.

Калит сўзлар овқатланиш хизмати, овқатланиш ташкилотлари, аҳоли турмуш даражаси, товар айланмаси, кўчма овқатланиш хизматлари

Ўзбекистоннинг овқатланиш хизмати кўрсатиш тизими ўзининг ноёблиги, пазандачилик анъаналарининг турли-туманлиги билан ажралиб туради, теран тарихий илдизларга эга, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, шунингдек республика меҳмонларида Шарқ меҳмондорчилиги рамзи сифатида юзат машҳурдир.

Ҳозирги иқтисодий модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган бир пайтда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда мутасил ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этиши ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар билан мустақамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажмаси томонидан 2016 йилда эълон қилинган “Хизмат соҳасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида” ва 2017 йил 30 июнда қабул қилинган “2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, белгиланган вазифаларни амалга ошириш хизмат кўрсатиш соҳаси, жумладан умумий овқатланиш соҳасини, ундаги субъектлар

сам арадорлигини ва сифатини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг ассортиментини кенгайтиришни тақозо этади.

Овқатланиш хизматлари туризм ва аҳоли турмуш даражасини оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса Республикамизда умумий овқатланиш ташкилотлардаги ўринлар сони шу жумладан қишлоқ жойларида, ҳудудларда яшаётган аҳолига тўғри келадиган овқатланиш ташкилотларининг савдо объектлари сони, овқатланиш корхоналарининг чакана товар савдо айланмаси каби кўрсаткичларни таҳлил этиш лозимлигини аниқлатади.

Сўнги йилларда тўпланган статистик маълумотларга кўра Республикамизда жами умумий овқатланиш ташкилотлардаги ўринлар сони, 484,3 минг ўринни шу жумладан, қишлоқ жойларида 72,0 мингни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Мулкчилик шакллари бўйича овқатланиш ташкилотларининг савдо объектлари сони (2017 йил 1 январ ҳолатига; бирлик)

	Барча мулкчилик шакллари бўйича ташкилотлар	Савдо объектлари, жумладан мулкчилик шакллари бўйича	
		давлат	нодавлат
Умумий овқатланиш ташкилотлари улардаги жойлар, <i>МИНГ</i>	484,3	13,1	471,2
Қишлоқ жойларда			
Умумий овқатланиш ташкилотлари улардаги жойлар, <i>МИНГ</i>	72,0	1,0	71,0

Жадвалдан кўришимиз мумкинки Республикамизда умумий овқатланиш ташкилотлардаги жойларнинг асосий қисми бу нодавлат ташкилотлар (471,2 минг) ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ жойларида эса бу кўрсаткич 72,0 мингни ташкил этади. Юртимизнинг кўпгина аҳолиси қишлоқ жойларида яшашини инобатга олсак бу кўрсаткич анча паст ҳисобланади.

Республикам изда 10 000 аҳолига тўғри келадиган овқатланиш ташкилотларининг савдо обектлари сонига назар ташласак бу кўрсаткич ўртача 3 тани ташкил этади (2-жадвал).

2-жадвал

Худудлар бўйича 10 000 аҳолига тўғри келадиган овқатланиш ташкилотларининг савдо обектлари сони

Худудлар	Йиллар			
	2013	2014	2015	2016
Ўзбекистон Республикаси	3	3	3	4
<i>шу жумладан:</i>				
Қорақалпоғистон Республикаси	3	3	3	3
Андижон	2	2	2	2
Бухоро	3	3	3	4
Жиззах	3	3	3	4
Қашқадарё	2	2	2	2
Навоий	6	5	6	6
Наманган	2	2	2	2
Самарқанд	2	2	2	2
Сурхондарё	2	2	2	3
Сирдарё	3	3	3	3
Тошкент	4	5	4	5
Фарғона	2	2	2	2
Хоразм	2	2	2	2
Тошкент шаҳри	13	14	13	14

Жадвалдан кўришимиз мумкинки кўпгина худудлар бўйича 10 000 аҳолига тўғри келадиган овқатланиш ташкилотларининг савдо обектлари сони 2016 йилга келиб ўсган. Аҳолига энг кўп овқатланиш ташкилотлари сони Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятига тўғри келган.

Яна муҳим кўрсаткичлардан бири Республикамизга тўғри келадиган овқатланиш ташкилотларининг чакана савдо товар айланмаси ҳисобланади. Республикамизда 2013 йилда овқатланиш ташкилотларининг чакана савдо товар айланмаси 1247,0 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб икки баробар ортиб 2608,0 млрд сўмни ташкил этди.

1.2-жадвал

Овқатланиш ташкилотларининг чакана савдо товар айланмаси (млрд. сўм)


Худудлар	Йиллар			
	2013	2014	2015	2016

Ўзбекистон Республикаси	1247,0	1586,4	1969,5	2608,0
<i>шу ж умладан:</i>				
Қорақалпоғистон Республикаси	37,4	46,2	59,7	81,6
Андижон	43,5	52,5	63,9	92,8
Бухоро	99,5	143,4	191,6	236,0
Жиззах	28,5	35,0	42,1	59,5
Қашқадарё	70,3	98,9	115,5	146,8
Навоий	57,5	74,4	85,5	103,7
Наманган	33,4	42,5	50,7	67,9
Самарқанд	79,6	103,6	126,2	150,6
Сурхондарё	52,8	74,3	92,1	123,4
Сирдарё	12,8	17,5	21,0	29,5
Тошкент	158,3	188,6	217,7	292,3
Фарғона	91,1	116,5	140,3	170,9
Хоразм	27,7	28,4	38,6	53,6
Тошкент шаҳри	454,6	564,6	724,6	999,4

Энг юқори ўсиш суратлари Тошкент шаҳри (999,4), Тошкент вилояти (292,3), Бухоро (236,0) ва Самарқанд (150,6) вилоятлари, энг қуйи кўрсаткичлар Сирдарё (29,5), Хоразм (53,6), Наманган (67,9) ва Жиззах (59,5) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди. Демак қуйи кўрсаткичли вилоятларда бу соҳага берилаётган эътибор анча паст ҳисобланади.


Юқоридаги жадваллардан кўришимиз мумкинки туристлар оқимини кўпайтириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда янги турдаги овқатланиш хизматларини яъни кейтеринг хизматларини тақдим этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўтган 2013- 2017 йиллар давомида Самарқанд вилоятида овқатланиш корхоналарининг сони сезиларли равишда ўсди. Самарқанд вилоятида овқатланиш корхоналарининг сони 649 та бўлса 2017 йилга келиб уларнинг сони 1072 тага етди. (1-расмга қаранг).



1-расм. Самарқанд вилоятида овқатланиш корхоналарининг ўсиш динамикаси.

Вилоятда овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси ҳам сезиларли равишда ўсди. 2013 йилда жами товар айланмаси 86165204,2 минг сўмни ташкил этган бўлса ўтган беш йилда эса 2 баробарга 170552225 минг сўмга ошди (2-расмга қаранг).



2-расм. Самарқанд вилояти умумий овқатланиш корхоналарининг товар айланмаси (минг сўмда)

Умумий овқатланиш корхоналари олинган статистик маълумотларга таянган ҳолда Самарқанд шаҳрида жойлашган овқатланиш корхоналарини мулкчилик шакли бўйича фаолиятини таҳлил қилиш давомида ҳозирги кунда энг кўп масъулияти чекланган жамиятлар сони 236 та ҳамда оилавий корхоналар 199 та фаолият юритаётганлигини кўришимиз мумкин.

Агар ушбу тенденциялар ўзгармасдан давом этса Самарқанд шаҳрида фаст-фуд ресторанлари ва оилавий ташриф буюриш учун мўлжалланган ресторанлар сони ортиши мумкин. Оилавий тадбирлар, кечалар, байрамларни нишонлайдиган ресторанлар ҳам яхши натижага эришмаяпти. Кўчма овқатланиш хизматларини тақдим этувчи корхоналар сони секинлик билан ривожланмоқда.

Олиб борилаётган тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўйишмоқда. Шундай экан овқатланиш хизматлари соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда содир бўлаётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир кўрсатади, бу эса мазкур масаланинг қанчалик муҳим ва аҳамиятли эканлигини кўрсатиб беради. Шу билан биргаликда иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибини кескин ошишида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда ўзгача аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”
2. 2016 йил 26 февралдаги “Хизмат соҳасини 2016-2020 йилларга мўлжалланган ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 55-сонли қарори.
3. 2017 йил 30 июнда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 450-сонли қарори.
4. Т.Худайшукуров, И.Х.Шукуров “Овқатланиш корхоналарида санитария ва гигиена”. Олий ўқув юртлари учун Дарслик. Тошкент-2012 йил.
5. Т.С.Шарипов “Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) мавзусида иқтисод фанлари номзодлигини олиш учун ёзилган Диссертация, Самарқанд – 2010 йил.
6. Алексеев Д.А. Состояние и тенденции развития общественного питания в России// Научно-методический журнал «Концепт» 2016.

7. Барановский, В.А. Организация обслуживания на предприятиях питания: учебник/ В.А. Барановский. – М.: Академия, 2012.
8. Васильев И. Москва: выездной ресторан – наиболее прибыльный вид кейтеринга // Ресторанные ведомости. – 2012. - № 10.
9. Погодин К.С. Кейтеринг. Практическое руководство для владельцев и управляющих : учеб. пособие. Ресторанные ведомости. 2011.
10. Погодин К.С. Ресторан выездного обслуживания. Кейтеринг. /Питер 2008.